

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки




Банклараро пул бозори шарҳи

Банкларааро пул бозори шарҳи

2021 йил давомида пул бозорида жами **100,4 трлн. сўмлик**, яъни 2020 йилдагидан қарийб 2 баробар кўп операциялар амалга оширилди (1-расм).

1-расм. Пул бозоридаги операциялар ҳажми (трлн. сўм) ва фоиз ставкалари



Пул бозорида банкларнинг юқори фаоллиги йилнинг дастлабки чорагида кузатилиб, ҳукумат амалиётларининг мавсумий камайтирувчи таъсири ҳисобига **умумий ликвидлик ҳажмининг нисбатан мувозанатли бўлиши** банкларааро депозитлар ҳажмининг ортишига хизмат қилди.

Бироқ, апрель ойидан бошлаб **ҳукумат харажатларининг сезиларли ортиши** ва бунинг натижасида банкларда умумий ликвидлик ҳажмининг ўсиб бориши фонида банкларааро амалиётлар ҳажмининг ҳамда улар бўйича фоиз ставкаларининг **кескин пасайиши** ва фоиз коридори қуи чегарасидан ҳам чиқиб кетиши кузатилди.

Хусусан, ўтган 2021 йил давомида ҳукумат операцияларининг банк тизими ликвидлигига оширувчи таъсири **26,6 трлн. сўмни** ташкил этди (2020 йилда ушбу кўрсаткич 8,1 трлн. сўмга тенг бўлган).


Хусусан, II-IV чораклар мобайнида ҳукумат амалиётларининг умумий ликвидликка оширувчи таъсири **32,4 трлн. сўмга тенг бўлиб**, 2019-2020 йилларнинг мос даврига нисбатан мутаносиб равишда **4,5 ва 1,5 баробарга** юқори бўлди (2-расм).

2-расм. Ҳукумат операцияларининг банк тизими умумий ликвидлигига таъсири (трлн. сўм)



Ҳукумат харажатларининг сезиларли ошиши банк тизими эффектив ликвидлиги ҳолатининг¹ кескин ошишида ўз аксини топди (3-расм).

3-расм. Банк тизимининг эффектив ликвидлик ҳолати (трлн. сўм)




¹ **Банк тизими эффектив ликвидлик ҳолати** – тижорат банкларининг Марказий банқдаги миллий валютадаги вакиллик ҳисобварафи қолдигига (умумий ликвидлик ҳажми) банкларнинг пул-кредит операциялари бўйича соф позицияси (ликвидликни жалб этиш операциялари ҳажмидан ликвидликни тақдим этиш операциялари ҳажмининг чегирилиши орқали ҳисобланади) қўшилиши орқали ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати операциялари мавжуд бўлмаган вазиятдаги банк тизимининг умумий ликвидлиги ҳажмининг эҳтимолий микдорини кўрсатади.

Тижорат банкларининг Марказий банк билан амалга оширган пул-кредит операцияларини инобатга олган ҳолда ҳисобланган “**Банк тизими эфектив ликвидлик позицияси**” кўрсаткичи жорий йилнинг I чорагида **11 трлн.** сўм атрофида шаклланган бўлса, апрель ойидан бошлаб сезиларли ўсиш кузатилди ва йил сўнгига **28,8 трлн.** сўмга тенг бўлди.

Мазкур қўшимча ликвидлик Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментлари орқали фаол жалб этилди. Хусусан, Марказий банк облигациялари қолдиғи йил бошидаги **3 трлн.** сўмдан йил сўнгигача **12,1 трлн.** сўмгача кўпайган бўлса, депозит аукционлари ва овернайт депозит операциялари ҳажмларида ҳам сезиларли ўсиш кузатилди.

Натижада, банкларнинг ўзаро депозитлари бўйича мажбуриятлари қолдигининг Марказий банк пул-кредит операциялари бўйича ўртacha ойлик қолдиқقا нисбати ўтган йил давомида кескин пасайиб, декабрь ойида **30 фоизга** тенг бўлди (4-расм).


4-расм. Банклараро депозитлар ва пул-кредит операцияларининг ойлик ўртacha қолдиғи динамикаси (трлн. сўм)



Мазкур нисбатнинг келгуси даврдаги даражаси кўп жиҳатдан ликвидликка таъсир этувчи автоном омилларга боғлиқ бўлади.

Пул-кредит инструментларидаги ўзгаришлар таъсирида пул бозоридаги депозит операциялари таркибида ҳам сезиларли ўзгариш рўй берид, **қисқа муддатли операциялар**, хусусан, овернайт операциялар ҳажмининг сезиларли ўсиши кузатилмоқда (5-расм).

5-расм. Банклараро пул бозоридаги операцияларнинг муддати бўйича улуши (фоизда)



Жумладан, пул бозорида муддати 7 кунгача бўлган депозит операцияларининг жамидаги улуши 2021 йил давомида ўртacha **89 фоизни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан **17 фоиз бандга** ошди.

Ўз навбатида, 8 кундан 90 кунгача бўлган депозит операциялар ҳажми 2021 йилда ойлик ўртacha **9 фоизни** ташкил этиб, 2020 йил мос даврига нисбатан **17 фоиз бандга** камайди. Муддати 90 кундан юқори бўлган депозит операциялари эса деярли кузатилмади. Бу рисклилик даражаси йўқ бўлган ва юқори ликвидли актив ҳисобланган Марказий банк облигациялари чиқарилиш лимитларининг босқичма-босқич ошириб борилгани сари тижорат банкларининг ликвидлик даражаси нисбатан паст ва рискли актив бўлган узоқ муддатли депозитларга таклифи камайиши билан изоҳланиши мумкин.


Бундан ташқари, пул бозоридаги амалиётлар ҳажми ва фоиз ставкалари таҳлилида **тижорат банкларининг фаоллиги** ҳам муҳим ўрин тутади. Пул бозорида депозит **жалб этувчи** банклар сони ойлик ўртacha **14-15 тани** ва депозит **жойлаштирувчи** банклар сони ўртacha **20-22 тани** ташкил этмоқда (6-расм).

Бошқача айтганда, барча банклар ҳам пул бозорида қатнашаётгани ва ликвидлигини самарали бошқараётгани йўқ.


Шу билан бирга, пул бозорида ҳам талаб томонидан, ҳам таклиф томонидан **табақалашув даражасининг юқори эканлиги** кузатилим оқда.

Хусусан, **жалб этувчи** банкларда концентрациялашув жуда юқори бўлиб, энг кўп депозит жалб этувчи **3 та** банкнинг ой давомидаги жами амалиётлардаги улуши жорий йил **август** ойида **90 фоизгача** кўтарилилган бўлса, йил сўнгигача **58 фоизгача** пасайди ва депозит жойлаштирувчи банклар табақалашув даражасига нисбатан юқорилигича сақланиб қолмоқда (*7-расм*).

6-расм. Банкларнинг пул бозоридаги фаоллиги



7-расм. Пул бозорида талаб ва таклиф табақалашуви



Манба: Марказий банк.

Депозит жойлаштирувчи банкларда ҳам табақалашув даражаси (энг күп депозит жойлаштирувчи З та банкнинг ой давомидаги жами амалиётлардаги улуши), одатда, **45-50 фоиздан юқори** бўлиб, банклар ўртасида умумий ликвидликнинг нотекис тақсимланганлигини билдиради.


Шунингдек, депозит операциялари бўйича банклар фаоллигининг юқори концентрация даражасини **Херфиндалъ-Хиршман индекси** ёрдамида ҳам таҳлил қилинади (8-расм).²

²Херфиндель-Хиршман индекси – концентрация даражасининг умумий ўлчови бўлиб, бозор рақобатдошлигини аниқлаш учун фойдаланилади. Индекс бозор иштирокчиларининг ялпи бозордаги улушларини квадрат даражага ошириб, натижаларнинг йифиндисини ҳисоблаш орқали аниқланади: $HHI = s_1^2 + s_2^2 + s_3^2 + \dots + s_n^2$, бунда $s_n = n$ -иштирокчининг бозордаги фоиз улуши.

Индекс қымати 1500 дан кам бўлган бозорда рақобат даражаси юқори, концентрация даражаси паст ҳисобланади. ННІ 1500 дан 2500 гача бўлган бозор ўртача концентрацияланган саналса, 2500 дан юқори индекс қымати юқори концентрацияли бозорни ифодалайди.

2021 йил бошида депозит бозорида умумий концентрация даражаси жойлаштирувчи банклар учун ҳам, жалб этувчи банклар учун ҳам юқори фазада шаклланди. Яъни январь ойида индекс қиммати депозит жалб этувчи банклар учун – 3188, депозит жойлаштирувчи банклар учун – 2738 ни ташкил этди.

9-расм. Депозит жойлаштирувчи ва жалб этувчи банкларнинг пул бозорида иштироки бўйича Херфиндалъ-Хиршман индекси (2021)



Депозит жойлаштириш бозорида концентрациялашув даражаси февраль ойида мўътадил даражага, март оидан бошлаб паст даражага тушди ва индекс қиммати ҳозиргача ойлик ўртacha ҳисобда 1200–1500 атрофида шаклланди.

Депозит жалб этиш бозори учун эса Херфиндалъ-Хиршман индекси август ойигача юқори (май-август ойларида ўртacha 4600 атрофида) шаклланиб, сўнгги уч ойда концентрациялашувнинг ўртacha даражасига тушди.

Ҳавола

**Молия вазирлиги томонидан вақтинча бўш пул маблағларининг
тижорат банкларига депозитга жойлаштирилиши
ва унинг умумий ликвидликка таъсири**

Молия вазирлиги томонидан Ягона ғазна ҳисобварағидаги ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг вақтинча бўш пул маблағларининг тижорат банкларига жойлаштирилиши пул бозоридаги амалиётлар ҳажмига таъсир этувчи муҳим омиллардан бўлмоқда. Молия вазирлиги томонидан вақтинчалик бўш пул маблағларининг тижорат банкларига жойлаштирилиши **аукцион орқали** амалга оширилмоқда.

2021 йил мобайнида Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига жами **11,1 трлн. сўмлик** депозитлар жойлаштирилган бўлиб, 2020 йилга нисбатан **29 фоизга** кўпайган (1-расм).

Тижорат банклари томонидан ушбу депозитларга бўлган катта талаб асосан банклар учун депозитларнинг жалб қилинишида операцион харажатларнинг пастлиги ва жорий ресурсларнинг кредитлар ажратишда узоқроқ муддатли ресурс бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**1-расм. Молия вазирлиги депозитлари ҳажми (трлн. сўм) ва улар бўйича
фоиз ставкаларининг Марказий банк асосий ставкасидан тафовути**



Манба: Молия вазирлиги маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Молия вазирлиги депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларинининг Марказий банк асосий ставкасидан тафовути доим ижобий даражада шакланган бўлиб, 2021 йилнинг март ойида ўзининг максимумига (8,05 фоиз банд) етгандан сўнг, йил охирига қадар қисқариб борди.


Мазкур ҳолат, ушбу депозитларнинг муддати билан боғлиқ бўлиб, Молия вазирлиги томонидан вақтинча бўш маблағлар тижорат банклари депозитларига **24 ойгача** бўлган муддатга жойлаштирилиши билан изоҳланади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан жойлаштирилган депозитларнинг асосий қисми муддати **30 кунгача** бўлган қисқа муддатли депозитлар ҳиссасига тўғри келади.


2021 йил мобайнида ЯФХдаги вақтинча бўш маблағлар ҳисобига жойлаштирилган депозитлар ҳажми 2020 йилга нисбатан қарийб **2,6 баробарга** ўсиб, **6,7 трлн. сўмга** етган.

Мазкур ўсишнинг асосий қисми **узоқроқ муддатли** (181 кундан юқори) депозитлар ҳиссасига тўғри келган (2020 йилда эса ЯФХ ҳисобидан жойлаштирилган депозитларнинг 95 фоизи 31 кундан 180 кунгача бўлган депозит ҳиссасига тўғри келган). БТЖларнинг банкларга жойлаштирган депозитлари ҳажми 2020 йилда **6,2 трлн. сўмни** ташкил этган бўлса, 2021 йилда **4,6 трлн. сўмга** тенг бўлди (2-расм).

2-расм. Молия вазирлиги депозитларининг муддатлар кесимидаги тақсимланиши



3-расм. Молия вазирлиги депозитларининг манбаси



Манба: Молия вазирлиги маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

2020 йил давомида Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган депозитлар ҳажмининг қарийб **70 фоизи** бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларига тўғри келган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич **41 фоизгача** қисқарган (3-расм).

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2022 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътиrozларингизни қуидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: achilov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22